

**АРБИТРАЖ СУДЛАРИ: ТУШУНЧА, ТАРИХ ВА АФЗАЛЛИКЛАР****Шохрух МАЖИДОВ,***Мирзо Улугбек номидаги ЎзМУ “Бизнес ҳуқуқи” йўналиши магистранти***АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада халқаро арбитраж судларининг ташкил топиш тарихи, вазифалари ва афзалликлари тўғрисида сўз юритилиб, унинг давлат судларидан фарқли томонлари ёритиб берилган. Шунингдек, муаллиф томонидан арбитраж судлари соҳасида қўлланиладиган асосий тушунчаларнинг маъноси ҳам баён этилган.

**Калит сўзлар:** халқаро арбитраж суди, халқаро тижорат арбитражи, ҳакамлик суди, арбитраж изоҳи, арбитраж жойи, арбитраж тили, тақдим этиш келишуви, арбитр, гувоҳ, эксперт.

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье рассматривается история международных арбитражных судов, задачи и преимущества, а также подчеркнута их отличия от государственных судов. Также автор описывает значение основных понятий, используемых в сфере арбитражных судов.

**Ключевые слова:** международный арбитражный суд, международный коммерческий арбитраж, третейский суд, разъяснение по арбитражу, место проведения арбитража, язык арбитража, соглашение о подчинении, арбитр, свидетель, эксперт.

**ABSTRACT**

This article examines the history of international arbitration courts, their tasks and advantages, and highlights their differences from state courts. The author also describes the meaning of the basic concepts used in the field of arbitration courts.

**Key words:** international arbitration court, international commercial arbitration, arbitration court, explanation of arbitration, seat of arbitration, language of arbitration, submission agreement, arbitrator, witness, expert.

\* \* \*

Халқаро Арбитраж хусусий судлов тизими ҳисобланиб, низоларни кўриб чиқиш тартиби дастлаб 1961 йилдаги Халқаро тижорат арбитражи тўғрисидаги Европа конвенциясида кейинчалик эса 1985 йилдаги Халқаро тижорат арбитражи тўғрисидаги UNCITRAL (The United Nations Commission on International Trade Law) намунавий қонунида мустаҳкамланган. Халқаро тижорат арбитражи тушунчаси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун аввало “арбитраж”, “халқаро”, “тижорат” (“тижорат”) сўзлари (халқаро тижорат арбитражидан) нимани англатишини аниқлаш зарур.

Жумладан, “Арбитраж” тушунчасини уч маънода кўриб чиқиш мумкин:

- 1) ҳакамлик суди, муқобил юрисдикция органи;
- 2) низоларни ҳакамлик судида кўриш жараёни, механизми;
- 3) муайян низони кўриб чиқувчи халқаро арбитраж судининг таркиби.

Ушбу хилма-хил тушунчалар “arbitration”, “arbitrage”, “schiedsgerichtsbarkeit”, “arbitrato” каби хорижий сўзларнинг этимологияси билан боғлиқ бўлиб, умумий маънода субъектлари икки ёки ундан ортиқ тараф бўлган низони бошқа шахс ёки ваколати бўлган шахслар томонидан кўриб чиқилишини англатади. Бунда кўриб чиқиш жараёнида давлатнинг таъсир кучидан эмас, балки хусусий келишувга асосланади. Шунинг учун ҳам Британия ҳуқуқий доктринаси, низони мурасага эмас, балки қарор қабул қилиш йўли билан ҳал қилиш кераклигини таъкидлайди.

Умуман, арбитраж тушунчаси икки асосий элементларга асосланади:

- 1) арбитрларнинг низони ҳал қилиш ваколатларига;
- 2) ушбу ваколат томонларнинг иродаси ва битимига.

Арбитраж судлари давлатларнинг умумий юрисдикция судларидан анча аввал вужудга келган бўлиб, унинг тарихи Қадимги Рим давлатига бориб тақалади. Даставвал ҳакамлик судлари низолашаётган томонларнинг ўз ташаббуслари билан тузилиб, унинг қарорлари ижросини ҳам давлат аралашувисиз мустақил равишда амалга оширилган. Император Юстиниан замонида ҳакамлик қарорлари давлат кучи – мажбурлови орқали бажарилиши белгиланган. Арбитраж суди деганда, савдо-иқтисодий низони низолашаётган томонлар танлаган ва келишиб ваколат берган бир ёки бир неча жисмоний шахсларнинг кўриб ҳал этиши, улар давлат суд тизимига мансуб бўлмаса-да, чиқарган қарорлари мажбурий тарзда бажариладиган холис орган назарда тутилади.

Халқаро тижорат арбитражининг жадал ривожланишининг янги босқичи XVIII-XIX асрларда халқаро савдонинг фаол ўсиши билан бошланди. Бу даврда дастлабки кўринишдаги биринчи доимий арбитраж институтларининг шаклланди. 1912 йилда Халқаро Савдо-саноат палаталари конгрессининг Бостонда бўлиб ўтган йиғилишда халқаро соҳада юзага келадиган низоларни ҳал қилиш учун халқаро-ҳуқуқий нормаларни яратиш зарурлигини тан олган резолюцияни қабул қилди. Халқаро арбитражнинг ривожланишидаги муҳим қадам 1914 йил 10 июнда Парижда Халқаро савдо палатасининг ташкил этилиши бўлди.

Арбитраж судларининг давлат судларидан ажралиб турадиган характерли белгилари унинг мустақиллигидир ҳамда судьялар низолашувчи тарафлар томонидан эркин танланишидир. Уларнинг бу ҳуқуқлари ҳеч бир процессуал қонунчилик нормалари билан чекланмайди.

Арбитраж судлари низолашувчи томонларга катта эркинликлар беради. Халқаро арбитраж судларининг афзаликлари жуда кўпдир. Биринчи сабаби халқаро арбитраж судлари қарорларининг ижро этиш масаласи халқаро конвенция билан мустаҳкамланган. Бундан ташқари бирор бир давлатнинг умумий юрисдикция судларидан мустақил эканлигидир. Хусусан, низолашаётган томонларнинг ҳеч бири иккинчи бир томоннинг давлат судларида низони ҳал этишни истамайди. Бунинг сабаби, иккинчи бир томоннинг миллий суди устунлиги ва уларга ён босишидан хавфсирайди. Ана шундай ҳолатда низоларни ҳал этишда халқаро арбитраж судлари муҳим роль ўйнайди. Томонларнинг розилиги арбитражларнинг низоларни ҳал этишда энг муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Айти пайтда тарафларнинг келишуви орқали арбитражларнинг низони кўриб чиқишдаги ваколатларини чеклаши мумкин. Хусусан, арбитражлар бундай ҳолатда фақат томонларнинг келишувидаги низоли масала юзасидан қарор қабул қила оладилар.

Томонлар шартнома тузиш жараёнида низоларни ҳал этиш усулларини келишиб оладилар. Хусусан, шартнома бандларига низоларни ҳал этиш учун арбитражларга тақдим этиш қондаси белгилаб қўйилади. Баъзи бир ҳолатларда шартномаларда арбитраж изоҳи келтирилмайди.

Арбитраж изоҳи - томонлардан низоларни арбитраж муҳокамаси орқали ҳал қилишни белгиланган шартнома банди бўлиб, агарда шартномада арбитраж изоҳи киритилмаган бўлса ва кейинчалик низо келиб чиқса, низоларни арбитражларда кўриб чиқиш учун “submission agreement”, яъни тақдим этиш келишуви тузилади. Тақдим этиш келишуви (submission agreement) - низони арбитраж судига ҳал қилиш учун юборишни назарда тутати. Тақдим этиш келишуви томонлар ўз шартномаларига низоларни ҳал қилиш бўйича бандни илгари киритмаган ҳолатларда қўлланилади. Баъзан эса низоларни ҳал қилиш бўйича олдинги келишувларни бекор қилиш ва ўзгартириш учун ишлатилиши мумкин. Тарафлар арбитраж изоҳи ёки келишувида арбитраж жойини ҳам белгилайдилар.

Арбитраж жойи (Seat of arbitration) - бу тарафлар томонидан арбитраж судининг қонуний жойи сифатида танланган, натижада арбитраж судининг процессуал асосларини белгилайдиган жойдир. Арбитраж амалга ошириладиган жойни танлаш ката аҳамиятга эга. Чунки, арбитраж жойининг қонуни (lex arbitri) арбитраж процессини бошқарувчи қонун ҳисобланади. Томонлар арбитраж учун қулай режимни, яъни арбитраж жараёнига сиёсий таъсир кўрсатмайдиган жойни арбитраж жойи сифатида танлашни исташади. Бетараф бўлиш мақсадида тарафлар арбитраж амалга ошириладиган жой сифатида, иккала томоннинг ҳам фаолияти жойлашмаган, дахлдор бўлмаган давлатни танлашга ҳаракат қилишади. Арбитраж жойини танлашда ҳуқуқий жиҳатларидан ташқари, баъзи

амалий жиҳатлар ҳам эътиборга олинishi мумкин. Масалан, маҳаллий судларнинг назорат ва ёрдам кўрсатишдаги роли ва муносабати, низо предметининг географик жойлашуви, транспортнинг қулайлиги ва далилларнинг яқинлиги, чиқимлар ҳажми ҳам ҳисобга олинади. Арбитражда фойдаланиладиган тилни ҳам эътиборга олиш керак. Томонларнинг ёзма ва оғзаки аризаларида, процессуал буйруқларда ва ҳакамлик судьялари томонидан чиқарилган қарор(лар)да қўлланиладиган тил - арбитраж тили (the language of arbitration) дейилади. Арбитраж тили томонларнинг биргаликдаги келишуви асосида арбитраж изоҳида белгилаб қўйилади. Агарда арбитраж тили арбитраж изоҳида белгиланмаган бўлса, арбитраж судида бу масала ҳал этилади.

Арбитраж судларининг яна бир афзалилликка процес ва қабул қилинадиган қарорни махфий сақлай олишини мисол қилсак бўлади. Махфийлик баъзи институционал қоидалар орқали таъминланади ва тарафлардан махфийлик келишувига амал қилган ҳолда, махфийлик тарафлар келишуви орқали кенгайтирилиши (масалан, гувоҳлар ва экспертлар қамраб олиш учун) мумкин. Кўп компаниялар махфий жараёнларни хоҳлашади, чунки улар компания ва унинг бизнес операциялари ёки улар иштирок қиладиган низолар ҳақидаги маълумотлар ошкор этилиши исташмайди ёхуд улар низонинг эҳтимолий салбий оқибати оммага маълум бўлишини хоҳламайдилар.

Арбитраж судларининг яна бир хусусияти уларнинг хусусий эканлигидадир. Бунинг эса бир қанча ўзига хос жиҳатлари бор. Хусусан, арбитражлар ҳеч қандай давлат мафкурасидан келиб чиқиб низоларни ҳал этмайдилар. Улар бор эътиборларни томонларнинг мажбуриятларини қанчалик бажарганлиги ёки бузганлик масалаларига эътибор қаратадилар. Арбитражлар касб этикаси ва томонлар ўртасидаги тенгликка риоя қилишга ҳаракат қиладилар. Сабаби, бу жиҳатлар кейинчалик уларнинг мавқеини янада ошишига сабаб бўлади. Низони ҳал этишда қатнашадиган арбитражлар сони битта ёки учтани ташкил этади. Учта арбитражнинг иккитасини тарафлар танлайдилар. Иккита арбитраж эса арбитражга раҳбарлик қилиш учун учинчи арбитражни танлайдилар. Арбитражлар ҳар доим ҳам юридик маълумотга эга бўлиши талаб этилмайди. Баъзан низо мазмунига қараб, бошқа соҳанинг профессионал вакиллари арбитражлик қилишлари мумкин.

Арбитраж судларининг қарорлари мажбурий ва якуний кучга эга бўлади. Томонлар кўпинча шу сабабдан ҳам низоларни арбитражларда ҳал этишни маъқул кўрадилар. Бу эса ўз навбатида ортиқча сармоя ва вақтни сарф қилмасликка сабаб бўлади. Арбитраж қарорлари устидан шикоят қилишга жуда ҳам камдан кам ҳолатларда йўл қўйилади. Умуман олганда қарорнинг асосий мазмунига нисбатан эътироз билдириш мумкин эмас. Шу жиҳатлар ҳам арбитражларнинг энг муҳим жиҳатлари сифатида баҳоланади. Арбитражлар

томонидан арзимас ва низо мазмунига таъсир қилмайдиган процессуал хатоларга йўл қўйилганлик факти ҳам уларни ижро этилишига қаршилиқ қилмайди. Қачонки, суд муҳокамаси ўтказиш жараёнида қўпол камчиликларга йўл қўйилса ёки арбитр томонидан низо предметидан четга чиқиш ҳолатлари кузатилса, арбитрлар низога тааллуқли масаладан четга чиққан ҳолда қарор қабул қилса ушбу қарорлари устидан Арбитраж жойидаги судга мурожаат қилишлари мумкин.

Арбитраж қарори орқали мажбурият юклатилган томонга ушбу мажбуриятни бажариш учун ихтиёрий муддат берилади. Агарда у ушбу ихтиёрий муддат давомида ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаса, ютган томон мажбурият бажарувчининг асосий мол-мулки жойлашган ҳудуддаги умумий юрисдикция судларига чиқарилган арбитраж қарорини тан олиш ва ижро этиш бўйича мурожаат қилади. Унинг иши ушбу судлар томонидан кўриб чиқилиб, ижро этиш ҳаракатлари амалга оширилади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, 1958 йилги Нью-Йорк конвенциясида халқаро арбитраж судларининг қарорларида процессуал камчиликлар мавжуд бўлмаганида уларни ижро этиш мажбурий эканлиги белгилаб қўйилган. Арбитражларнинг ўзига хос жиҳатларининг яна бир томони шундан иборатки, низо ҳуқуқий эмас, балки техника соҳасида бўлса, арбитр сифатида шу соҳа вакилини ишга жалб қила олишдаги эркинликдир. Бунда тарафлар келишуви асосида шу соҳа вакили танланади. Дастлабки вақтларда арбитраж судлари томонлар учун нисбатан низони арзонроқ ва тезроқ ҳал этиш усули ҳисобланган, лекин халқаро ҳуқуқ ва муносабатлар ривожланиб мураккаблашиб боргани сари арбитражларга тўланадиган пул миқдори сезиларли даражада ошиб, суд жараёни мураккаблашиб борди. Лекин у ўзининг аввалги мавқеини йўқотмади.

Хулоса қилиб айтганда, халқаро тижорат арбитражи институти низоларни муқобил ҳал қилиш жараёнида ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарурий ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга, ташқи иқтисодий шартномалардан келиб чиқадиган низоларни кўришда муддатлар ва харажатларни қисқартиришни таъминлашга имкон яратилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Чет эл арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги Конвенцияси. Нью-Йорк 10.06.1958й.
2. Давлатлар ва ажнабий шахслар ўртасидаги инвестицияга доир низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида Конвенция. Вашингтон 18.03.1965й.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси . Т.: Ўзбекистан, 2023
4. Гасанов К. Международное частное право. Курс лекций. - М.: Юнити-Дана: Закон и право, 2012 г., 459 с.

5. Корочкин А.Ю. Признание и приведение в исполнение решений иностранных судов и арбитражных решений. – Минск, 2012. 601с.
6. Рахманкулов Х.Р. Халқаро хусусий ҳуқуқ – Т.: 2000. 347с.
7. The conflict of laws / Under the general editorship of Sir Lawrence Collins. — London: Sweet & Maxwell, 2002.
8. Catherine Kessedjian. Global Unification of Procedural Law: International Conflicts of Laws of the Third Millenium. / Edited by Patrick J. Borchers and Joachim Zekoll. New York: Transnational Publishers, Inc., 2001.